



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI HAY'AT QARORI

2023-yil 17-iyul

№ 6/4

Toshkent sh.

### Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2023 йил II ярим йиллиги учун мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июндаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида сув хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-101-сонли Фармонининг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари ҳамда 3-иловага мувофиқ тасдиқланган Сув хўжалиги соҳасида ислоҳотларни ҷуқурлашириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича “Йўл ҳаритаси”да вазирликка юклатилган вазифаларнинг ижросини тизимли равишда ташкил ва таъмин этиш юзасидан барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг шахсий масъулияти ҳамда жавобгарлигини кучайтириш мақсадида ҳайъат йиғилиши

#### Қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2023 йил II ярим йиллиги учун мўлжалланган иш режаси **иловага мувофиқ тасдиқлансин**.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ҳайъати аъзолари, вазирнинг барча ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлariга вазирликнинг 2023 йилнинг II ярим йиллиги учун мўлжалланган иш режасига киритилган устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирларнинг белгиланган муддатларда, сифатли ҳамда тўлақонли бажарилишини ташкил ва таъмин этиш, ижроси ҳақидаги маълумотларни шахсан ҳайъат раиси (*вазир*) номига ёзиб, умумлашириш учун Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси (Ибрагимов)га тақдим этиш вазифалари топширилсин.

**Белгилаб қўйилсинки,** Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ҳайъати аъзолари вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппарати бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлari ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарлари 2023 йилнинг II ярим йиллиги учун мўлжалланган иш режасига киритилган масалаларни вазирликда белгиланган Регламент асосида тайёрланишига ҳамда тизимли равишда ташкил ва таъмин этиш учун шахсан масъул ҳисобланадилар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бошлиқлари, вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарларига:

**5 кун муддат ичida** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоят ҳокимларининг тегишли ўринбосарлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июндаги ПФ-101-сонли Фармони асосида ишлаб чиқилган Низомларида белгиланган вазифа ва функциялардан келиб чиқсан

холда мазкур иш режа ва ҳар бир ходимнинг хизмат вазифалари тақсимиотидан келиб чиқиб, иш режаларини ишлаб чиқиб, вазирликка тасдиқлаш учун тақдим қилиш;

**ҳар ой якуни билан** Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотларининг 2023 йилнинг II ярим йиллиги учун мўлжалланган иш режасининг ижросини танқидий руҳда муҳокама қилиб, устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирларнинг белгиланган муддатларда, сифатли ҳамда тўлақонли бажарилишини ташкил ва таъмин этиш юзасидан барча даражадаги раҳбар-ходимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлиги кучайтириш;

**ҳар чорак якуни билан** 2023 йилнинг II ярим йиллиги учун мўлжалланган иш режасининг ижроси ҳақидаги маълумотларни ёзма равишда вазирликка тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Вазирнинг биринчи ўринбосари А.Назаров, вазир ёрдамчиси А.Манглиев ҳамда Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиги М.Ибрагимовларга:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2023 йилнинг II ярим йиллиги учун мўлжалланган иш режаси ижроси юзасидан тизимли мониторинг юритиш;

вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлимлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотларининг 2023 йилнинг II ярим йиллиги учун иш режаларини тартибга солиш бўйича комплекс ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш;

вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлимларининг, шунингдек, вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотларининг иш режалари ижроси устидан тизимли назорат ўрнатиш ва ижросини ҳар ойда танқидий руҳда таҳлил қилиб бориш ҳамда ҳар ой якуни билан Вазирлар Маҳкамасига ва вазирлик раҳбариятига, шунингдек, бошқа давлат органларига (*сўралган вақт ва муддатларда*) ахборот ва маълумотларни тақдим этиш;

иш режасига киритилган топшириқлар ва тадбирларнинг ижросини белгиланган муддатда, тўлақонли ва сифатли таъминламаган ва ўрнатилган тартибда ахборот тақдим қилмаган, шунингдек, ижроси кечикишига йўл қўйган раҳбар-ходимларга нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўллаш юзасидан таклиф (*вазирлик буйруқ лойиҳасини*) киритиб бориш вазифалари топширилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини ташкил қилишни вазир ўринбосарлари зиммасига юклатиб, умумий назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Ҳайъат раиси

Ш. Хамраев

